

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МУНИС ОНАХОНЛАР, МУҲТАРАМА ОПА-СИНГИЛЛАР!



Аёлни улуғламоқ — оилани, Ватанни, ҳаётни улуғламоқ демакдир.

Ислом КАРИМОВ

Эҳтиром



Ришод СОБИРОВ,
дзюдо бўйича жаҳон чемпиони:


— Онам ҳам меҳрибон волида, ҳам сирдош дўст, ҳам талабчан устоз вазифасини ўтаган, десам янгилишмайман. У кишининг ҳам курашдан унча-мунча хабарлари бор эдида. Чунки болалигида маҳалладагилар билан кураш тушиб энгилмаган экан. Ҳозиргача мусобақаларимни кузатиб, хатоларимни топиб ўтирадилар.

Онам бир дунё соғинчлар билан Бухородан Тошкентга — бизникига келсалар, шу кунни уйимизда байрам бўлади, кўнглим сўз билан таърифлашим қийин, ғаройиб нурга тўлиб кетади. Она-бола тўйиб-тўйиб гап-лашамиз.



Равшан КОМИЛОВ,
Ўзбекистонда
хизмат
кўрсатган
артист:

— Эл орасида танилиб, санъаткор бўлишимда ҳам онажонимнинг ҳиссалари беқийс. Менинг энг биринчи тилгловчим, танқидчим ҳам улар. Оллоҳга шукр, ҳар кунни эрталаб қаерга отлансам, у кишининг дуоларини оламан. Сафарлардан, тўй-томошалардан қайтиб келганимда биринчи бўлиб бу дунёда топиб бўлмас, давлатим — онагинамни сўроқлайман. Оналаримиз ҳамшиша омон бўлишин!



Самарқандлик
санамлар

2




Олиб қочгунча,
сочиб қоч!

5



6



КУЁВСАПОМ

8

«ЙИЛ АЁЛИ» — ЮКСАК ЭЪТИРОФ

— Юртимизда аёлларнинг ўз иқтидорини намоиш қилиши учун кенг имкониятлар яратилапти, — дейди Республика шозилич тез тиббий ёрдам илмий маркази вилоят бўлими шифокори Дилором Муродова. — Авваламбор, юртимизда барқарор бўлган тинчлик, осойишталик, фаровонлик, энг муҳими, оилаларимиздаги хотиржамликка ҳар қанча шукрона келтирсак арзийди. Ўз фаолиятимдан келиб чиқиб айтишдан бўлсам, нейрохирург шифокор сифатида озми-кўпми, беморларнинг дардига малҳам бўлганим ҳам, аслида, бир ютуқ. Кейинги пайтларда маллака ошириш мақсадида бир неча марта Буюк Британияда бўлиб, тиббиётга оид халқаро тажрибалар билан яқиндан танишдим. Асосийси, чет тилини яхши билганим боис халқаро доиралардаги семинарларда иштирок этдим. Утган йили Москвада нейрохирурглик мактаби ўқуви якунлари



бўйича халқаро диплом олдим. Ингладимки, ҳар қандай мутахассиснинг ўз соҳаси бўйича илмий фаолиятини изчил давом эттириши ниятда муҳим экан. Қувончлиси, ўтган йили Тошкент нейрохирургия институтини аспирантурасига қабул қилиниб, бош мия ўсмаларини замонавий диагностика усуллариди даволаш мавзусида номзодлик ишини бошладим.

Яқинда бир гуруҳ германиялик тадбиркор аёллар Самарқандга ташриф буюриб, хотин-қизлар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Шунда меҳмонларнинг аксарияти «Ўзбек аёлларидан кўп нарсани ўрганишимиз керак экан. Сабаби, улар оилада оқила бека, ишда ҳам фаол, яна хайрия масалаларига бефарқ эмас. Бу каби ишларнинг барчасига қандай улгурар экан, шунисига ҳайрон қолдик», деган фикрларни айтишди. Ростдан ҳам, бундай эътирофларни кўпчилик хорижий мамлакат аёлларидан эшитганмиз. Бугун юртимизда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар илм-фан, спорт, тадбиркорлик орқали, қолаверса, ўз кўллари билан яратётган санъат асарлари туфайли нафақат юртимиз, балки хориж мамлакатларида ҳам яхшигина муваффақиятларга эришмоқдалар. Қолаверса, юрт фаровонлиги учун муносиб ҳисса қўшаётган, ўз ишини пухта бажариш орқали атрофдагиларга фойдаси тегаётган аёллар ҳам кўп орамизда.

САМАРҚАНДЛИК САНАМЛАР

Ўзбекистонда етти нафар аёл нейрохирург фаолият юритаётган бўлса, уларнинг уч нафари Самарқандда. Мени, тиббиётчи сифатида шу мураккаб соҳага йўналтирган устозларим А.Мамадалиев, Ш.Йўлдошев, М.Агзамов, М.Қориев, З.Маҳмудова каби ўз ишининг усталарига мингдан-миг раҳмат.

Ана шундай муваффақиятларим туфайли бўлса керак, ўтган йили «Йил аёли — 2011» танловининг вилоят босқичи голибига айландим. Бу мен учун қутилмаган совға бўлди. Бу йил ҳам қатор ишларни режалаштирганман. Албатта, биринчи галдаги вазифам — номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлаш.

ганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Айниқса, тадбиркорларга кўплаб имтиёзлар яратилди, кредитлар ажратилди. Албатта, бундай шарт-шароитлардан самарали фойдаланаётганлар аллақачон ўз ишини йўлга қўйиб олди.

«Ташаббус» кўрик-танловида иштирок этганим мен учун ҳар томонлама фойдали бўлди. Авваламбор, вилоятимизнинг бошқа туманларидан келган тадбиркорлар билан танишдим, фикрлашдик, тажриба алмашдик, истиқболли шартномалар имзоладик.

«Бека Чарос» хусусий корхонасида тайёрланаётган элик хилдан зиёд тикувчилик махсулотларига вилоятимизда талабгорлар кўп.

лари Голландиянинг Амстердам шаҳрида ўтказилган 52-халқаро математика олимпиадасида совринли ўринни эгаллаб, махсус сертификат билан тақдирландим.

Ўзбекистон миллий университети қошидаги Саъди-



Сирожиiddинов номидаги академик лицейида ўтказилган «Лицейим — фахрим» беллашувда 1-даражали дипломига сазовор бўлдим. Зулфия номидаги Давлат мукофотига танловнинг вилоят босқичида таълим йўналиши голибасига айландим.

Албатта, ҳар бир омаднинг ўзига хос калити бўлади. Менимча, биз ёшлар учун муҳими — ўқиш ва изланиш. Албатта, бунда оила ҳамда устозларнинг кўмаги ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Гулрух МҮМИНОВА,
«Оила ва жамият»
мухбири.
Самарқанд вилоти.

ЭНГ ЯХШИ ТАДБИРКОР

Президент соврини учун аънаваний тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик танловининг вилоят босқичида «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича голибликни Пастдаргом туманидаги «Бека Чарос» хусусий корхонаси раҳбари Гулбека Кўчқорова эгаллаган эди.

— Оддийгина тикиш-бичиш билан шундай муваффақиятларга эришаётганим, албатта, ҳукуматимиз томонидан биз хотин-қизлар меҳнатига қаратилган эътибор натижасидир, — дейди Гулбека опа. — Бугунги кунда ҳар бир аёлнинг ишли, хунари, ўқимишли бўлиши йўлида катта ишлар олиб борилаёт-

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШИ

— Мен болалигимданок математика фанига меҳр кўйган эдим, — дейди Самарқанд иқтисодий ва сервис институтини қошидаги 1-сонли академик лицейининг 3-босқич талабаси **Мухайё Аҳмадова**. — Бу қизиқишимни оиламдагилар ҳам англаб, шу фанга йўналтиришди. Уларнинг, устозларимнинг ишончини оқлаш ниятида билимимни тобора мустаҳкамлашга интилдим. 2011 йил математика фанидан вилоят олимпиадасида биринчи ўрини, 52-халқаро математика олимпиадаси учун саралаш танловининг республика босқичи голибига айландим.

2011 йил 12 — 24 июль кун-

СИЗ БИЛАН ОЛАМ МУНАВВАР

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида хотин-қизларнинг жамиятдаги маъқеини янада юксалтириш, уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устувор аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз хотин-қизлари Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, раванк топиши йўлида ҳар жабҳада, шу жумладан, ҳарбий соҳада ҳам самарали меҳнат қилиб келишмоқда. Бугунги лавҳамиз қаҳрамони Ўзбекистон Ички Ишлар Вазирлиги қоровул қўшинлари Бош Бошқармаси жанговар тайёргарлик бўлими масъул ижросиси, шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи, катта сержант Шохида Мўйдинова ўн йилдири, ушбу масъулиятли соҳада хизмат



қилиб келмоқда. У ўзининг касбига бўлган садоқати, меҳри туфайли аҳил жамоада хурмат ва эъзоз топган аёллардан биридир.

— Ҳарбий касбга ёшлигимдан қизқардим, — дейди Шохидахон биз билан суҳбатда. — Тақдирни қарангки, ҳаёт йўлим ҳам ҳарбий касб эгаси билан боғланди. Турмуш ўртоғим Шухрат Мўйдинов ҳам ҳарбий. Бизлар юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек ҳам шарафли, ҳам масъулиятли соҳа ва-

Байрам шукӯҳи

қили бўлганлигимиздан фахрланамиз. — Катта сержант Шохида Мўйдинова ўзига бириктирилган вазифа ва топшириқларни ҳар доим виждонан адо этиб келаётган жонкуяр ходимларимиздан бири, — дейди жанговар тайёргарлик хизмати бўлим бошлиғи, подполковник Алиёр Ҳайдаров. — Айниқса, оиласида ҳам бахти бутун, толеи баланд эканлиги кўпчиликка ибрат намунасидир.

Инсон бахтининг тўқислиғи биринчи навбатда унинг оиласи билан узвий боғлиқдир. Шохида ҳам оилада, ҳам ўзи эгаллаган соҳада ардоқли бўлиши билан бирга, намунали хонадоннинг оқила бекаси сифатида ҳам эъзоз топаёттир. Эътиборли жиҳати, ўзлари яшаётган маҳаллада ҳам бу оилага кўпчилик ҳавас кўзи билан қарайди. Умр йўлдоши Шухрат Мўйдинов билан ҳамжиҳатликда Шаҳзодаҳон ва Санжарбекларни тарбиялаб, воға етказишмоқда.

Барча ҳамкасбларимиз номидан Шохидахон ва ушбу мураккаб соҳа вакиллари 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин дилдан табриқлаймиз. Уларга ҳаммамиз чин маънода мустаҳкам оила сифатида ҳавас қиламиз.

Б. ЛУТФУЛЛАЕВ,
катта сержант.

Оналарнинг оёғи остидадур,
Равзаи жаннатун жинон боғи.
Равза боғи висолин

истар эсанг

Бўл онанинг оёғин туфроғи.

Алишер
НАВОИЙ

ЭНГ ГҮЗАЛ ҲАРБИЙ АЁЛ

Ўзбекистон Қуроли Кучларининг Офицерлар марказий уйида Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Энг гўзал ҳарбий аёл» кўрик-танлови якунланди. Бу ўзига хос кўриқда ҳарбий хизматчи аёлларнинг маънавий-маърифий даражаси, касб маҳоратини эгаллаш йўлидаги интилишлари, шунингдек, оила билан боғлиқ билим, кўникмалари синовдан ўтказилди.

Халқаро хотин-қизлар куни байрами арафасида ўтказилган бу тадбирдан кўзланган асосий мақсад, Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза қилинаётганлиги ўз навбатида жамиятнинг фаол қатлами саналган аёллар зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юклатмоқда.

Кўрик-танловнинг якуний босқичида турли номинациялар бўйича голиб ва совриндорлар аниқланди. Марказий ҳарбий округнинг ҳарбий қисмида шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Нодира Мирзаева биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Тошкент олий ҳарбий кўмондонлик билим юртининг кичик сержанти Зебинисо Валихонова иккинчи, Шарқий ҳарбий округда шартнома асосида хизмат қилаётган оддий аскар Мавлуда Шамсидиновага учинчи ўрин насиб этди.

Тамара ХУММАМАТОВА,
«Оила ва жамият» мухбири

РЕЖАЛАР ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциациясида йиллик ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлиснинг кун тартибига кўйилган масалалар бўйича ассоциация раиси И. Юсупова сўзга чиқиб, 2011 йилда қўлга киритилган ютуқлар ва самарали якунланган лойиҳалар ҳақида маълумотлар берди. Шундан сўнг «Мустаҳкам оила йили»да ассоциация томонидан режалаштирилган лойиҳалар истиқболли, амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил ахборот берилди. Йиғилишда тақдим этилган дастурлар бир овоздан тасдиқланди. Тадбирда мазкур нодавлат ташкилотнинг вилоят бўлими раислари, ижтимоий ҳамкорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

(Ўз мухбиримиз)

МАКТАБДА ТАНЛОВ

Қуйи Чирчиқ туманидаги 48-сон умумтаълим мактабига Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда «Мустаҳкам оила йили»га бағишланган «Етти жавоҳир» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Тадбирда 7 нафар ўқувчи голиблик учун беллашди. Бир неча номинациялар бўйича фахрли ўринларни эгаллаган қизларга танлов совринлари ва совғалар топширилди.

Б. НАРИМАНОВ,
«Камолот» ЕИХ
Қуйи Чирчиқ тумани
бўлими раиси.

Баркамол инсонни вояга етказишда, аввало, оила, маҳалла, мактаб, жамият ва давлатнинг узвий ҳамкорлигини юқори поғонага кўтариш талаб этилади. Чунки юртимизда юз бераётган ўзгаришлар, янгиликлар жараёнида ушбу тажриба қувончли натижалар бераётгани яққол кузатишмоқда.

Бу борада бошланғич хотин-қизлар кўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Қамолот» ЁИХ ва уларнинг жойлардаги бўлимлари, касб-хунар коллежлари, соғлиқни сақлаш ҳамда адлия тизими ходимлари билан ҳамкорликда тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга асосан ёшлар, айниқса, умумтаълим мактабларининг 8–9-синф ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида учрашувлар, давра суҳбатлари, савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда. Тадбирларда кўпни кўрган онахонлар, зиёли аёллар, намунали оила соҳиблари ҳам иштирок этмоқдаки, улар ёшларга, қизларимизга мустаҳкам оила қуришнинг шартлари, билим олиш, касб-хунари бўлишнинг аҳамиятига доир қимматли фикрлар, йўл-йўриқлар бермоқда.

Албатта, тадбирлар ўз самарасини бераётгани яхши, лекин ҳамон қизларимиз эрта турмушга узатиш ҳолатларининг бутунлай барҳам топмаётгани ачинарлидир. Бунда ота-оналарнинг ҳам айби йўқ эмас. Очигини айтиш керак, одамлар орасида ҳамон ўз билганидан қолмайдиган, фарзандининг келажаги, тақдири ва сийҳат-саломатлигига бефарқ, ён-атрофида содир бўлаётган аянчли воқеаларни кўра била туриб ҳам, керакли хулоса чиқаришни истамаётганлар бор.

ФАРЗАНДИНГИЗ ТУРМУШ ҚУРИШГА ТАЙЁРМИ?

Мутахассис-шифокорларнинг таъкидлашича, 17 ёшли қиз гарчи балоғатга етган ҳисобланса-да, у турмуш қуришга, она бўлишга жисман ва руҳан тайёр эмас. 17–19 ёшда оила қурган аксарият қизлар дастлабки ойларидаёқ ҳомиласидан айриляпти ёки фарзандини муддатидан олдин жарроҳлик йўли билан туғишга тўғри келапти. Чунки бу ёшда уларнинг тос суяклари туғуруққа тайёр бўлмайди. Натижада, ёш қизлар яна қайта она бўлиш бахтидан мосуво бўлмоқдалар, муддатидан олдин дунёга келган чақалоқларнинг эса, минг афсуски, узоқ яшаб кетиши кийин...

Яна бир ташвишли ҳолат, эндигина мустақил ҳаёт йўлини бошлаган баъзи бир ёш оилалар арзимаган сабаблар билан бузилиб кетмоқда. Таҳлилий хулосалар шуни кўрсатяптики, ажримларнинг 60 фоизи ёш оилаларнинг дастлабки йилларига тўғри келади. Эрта турмуш қурилгани сабабли эрлар оилани мустақил таъминлай олмапти. Айниқса, Наманган шаҳри ва Уйчи туманларида йигитларни жуда эрта, яъни 18 ёшда уйлантириб қўйиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Бу ёшдаги йигитнинг ўзи хали коллеж талабаси бўлади, бирор



касб-хунарни эгалламаган йигит қандай қилиб оилани бошқарсин?! Қизлар эса ёшлиги туфайли турмуш оғирликларини энгиб ўтолмаяпти, эрта фарзанд кўраётгани сабабли саломатлиги ёмонлашмоқда. Охир-оқибатда, оилалар барбод бўлаётир. Бу каби хулосалар эса «Оила кодекси»-да белгиланган никоҳ ёшига ўзгаришни киритиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Яна бир жиҳат, яъни ноқонуний никоҳлар масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш гоят зарурки, бу ҳолат пировардида оталикни белгилаш, ёлғиз оналарнинг ортини, аёллар ўртасида турли кўринишдаги жиноятларнинг келиб чиқишига замин яратяётгани ташвишлидир. Шу ўринда Наманган шаҳри ва Чуст туманларида олиб борилаётган

тушунтириш ва тарғибот ишларимиз ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлашни истардик. Салбий ҳолатлар маҳалла-қўйда муҳокама этилиб, тегишли тартибда чоралар кўриляпти.

Никоҳланувчиларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш масаласи ҳам жиддий эътибор талаб қиладиган долзарб вазифалардан биридир. Бу жараёнда турмуш қуриш арафасида турган йигит-қизларга ҳукуматимиз томонидан имконият ва имтиёзлар ҳақида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг олдини олиш ниҳоятда муҳимлиги хусусида тарғибот ишларини кучайтириш зарур.

Нотинч оилалар... Бу ёқимсиз иборани кенгроқ миқёсда қўллана бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Бугун ҳар бир маҳаллада, хотин-қизлар кўмиталарининг ҳужжатларида нотинч оилалар сони, уларнинг камайгани ёки, аксинча, ортганини билиб олиш мумкин. Улар билан ишлашда ҳам масъулият айнан маҳалла ва бошланғич хотин-қизлар кўмиталари зиммасига тушаётир. Аксарият жиноятлар, турли ноҳуш ҳолатларнинг айнан шундай хонадонларда содир бўлаётгани улар билан ишлашда ҳали ҳам муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Негаки, оилалардаги низолар, жанжал-тортишувлар бир кун келиб жиятга айлиниши турган гап. Шу маънода бугун хотин-қизлар кўмитаси, яраштирув комиссиялари турли ташкилотлар саъй-ҳаракати туфайли олиб борилаётган тарғибот-тушунтириш ишларида кўпроқ қизларга эътибор қаратилмоқда. Негаки, қиз бола тарбияси миллатнинг эртаниги куну учун замин ҳозирлашга жавобгарлик демакдир. Бу эса ҳар биримизга катта масъулият юклагоғи лозим.

Аёли сева билмаган одам дунёнинг энг гўзал сирларидан беҳабар ўтади.

СТЕНДАЛЬ

МОМОМ ТИККАН ҚУРОҚЛАРНИ МЕН ҲАМ ТИКСАМ БЎЛМАСМИ?!

Ҳамкасб дугонам "Келинг, сизга бир нарсa кўрсатаман", деди-да, сумкасида нималарнидир чиқара бошлади. "Бу ёстиқ, буниси қир кўрпача..." дея изоҳ бераётган қуроқлардан кўзим қамашди. Дугонам унаштирилгани учун "Ўзингизгами? Тайёрлаган кўрпа-кўрпачаларингиз кувё томонинг хайратини оширар экан-да?" деб сўрадим. "Йўқ, бир дугонамнинг туғилган кунига совға қилмоқчиман, — деди у бироз хижолат бўлиб. — Нима олишни билмай тургандим, онам шуларни қўлимга тутиб, бундан яхши совға бўлиши мумкинми қиз бола учун, деб қолди. Олиб келавердим».

Бирор кишига совға олмоқчи бўлсак, дарров дўконга югурамиз. У ердан антиқа буюмлар, чет эл маҳсулотларини қидиришга тушамиз. Аммо ҳеч қачон қўлда тикилган қуроқ ёки кашта солинган бирор буюм совға қилишни ўйлаб кўрмаймиз...

— Қуроқ амалий санъатда кенг тарқалган бўлиб, турли ранг ва шаклдаги майда мато парчаларидан безак буюм ҳосил қилинади, — дейди Қамаш туманидаги 83-мактаб директори Ойсоат Санаева. — Кўрпа, кўрпача, чойшаб, сўзана, дастурхон, гилам ва бошқа жиҳазлар қадимда шу усулда тайёрланиб, ажойиб санъат намуналари яратилган. Саксонга яқинлашиб қолган момом мато қийимларидан бир нималар тикиб ўтиради. Ёшимиз улғайгани сари биз неварга қизлар ҳам бувимнинг ёнига кирдик. Дарс

ва уй юмушларидан ортиб тиккан қуроқларимизнинг сони кўпайиб кетган экан. Бу, албатта, вақти келиб, келинлигимизда асқотди. Ҳамон юкимда момом тиккан қуроқ кўрпа-кўрпача, ёстиқлар бор. Мен ҳам уч нафар қизимни узатдим. Албатта, ўз қўлларим билан қуроқ буюмлар тикиб бердим.

Бундай гапларни катта авлод вакилларида кўп эшитганмиз. Уларнинг суҳбатидан билиш мумкинки, қизларнинг қанчалик чеvarлигию нафосатлиги қуроқ тика олиш санъати билан ҳам ўлчанган.

— Қуроқ тикиш қиз болани катта ҳаётга тайёрловчи сабоқлардан бири бўлган, — дейди Қарши санъат коллежи ўқитувчиси Ойниса Ёқубова. — Бу одамдан сабр, маҳорат, яратувчанлик, фантазия талаб қилади. Қуроқнинг дунёқарши, ички кечинмалари тиккан буюмларида акс этади. Қуроқ учун махсус мато жамланмаси бўлиши шарт эмас. Аслида, момоларимиз исрофгарчиликка йўл қўймайлик учун ўйлаб топган бу тадбирни.

— Уч-тўрт йил олдин мато

Қадрият

қийимларини ташлашга кўзим қиймай тўплаб кўярдим, — дейди тикувчи Муниса Рустамова. — Кейинчалик нима қилишни билмай, ёқиб юборадиган бўлдим. Бир кун онам қуроқ тикишни таклиф қилиб қолди. Шундан сўнг мен қийим-кечак, опан Чарос эса қуроқ тикиш

ёки ишларини кўрсам, амалий санъатимиз унутилмаётганидан, ёш авлод ҳам миллий қадриятларимизга бефарқ эмаслигидан қувонаман.

— Қиз бола бўлажак она, — дейди Ойсоат Санаева. — Улар аъаналаримизни, қадриятларимизни келажакка етказувчи кўприқдир. Она ўзи билмаган ишни қандай қилиб фарзандидан талаб қилиши ёки унга ўргатиши мумкин?! Ҳаёт бир текисда кечмайди. Рўзғорда йўқчилик, етишмовчилик бўлиб туради. Шундай пайтда қўлдаги хунаринг ёрдамга келади. Бундан тушадиган даромадга эҳтиёж бўлмаган тақдирда ҳам оналар аъаналаримизни келажак авлодга етказиш учун қизларга қуроқчилик каби чеvarлик сирларини ўргатиш лозим.

Дарҳақиқат, қуроқчилик санъати — миллий меросимизнинг бир бўлаги. Бу хунарнинг йўқолиб кетмаслиги ва янада оммалашини учун бўш вақтингизни बेкорга сарфламай, ўз қўларингиз билан тиккан қуроқларни яқинларингизга совға қилинг. "Қуроқдек қурашиб, ўзингиздан кўпайиб юринг", дея тилак билдиришинг завқини бир туйиб кўринг-а.

Мохигул ҚОСИМОВА,
Қашқадарё вилояти.

Фестиваль

"НАФОСАТ ОЛАМИ"


Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, хотин-қизларни спортга жалб қилиш давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланган.

Яқинда пойтахтимиздаги "Юнусобод" спорт мажмуасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Сен ёлғиз эмассан", "Соғлом авлод учун" ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партияси ўзаро ҳамкорликда ўсмир қизлар ўртасида "Нафосат олами" республика спорт фестивалини ўтказди.

Сузиш, синхрон сузиш, спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, спорт рақси мусобақаларида уч юздан ортиқ қизлар қураш олиб боришди.

Мусобақа сўнгида турнир голибларига ташкилотлар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА,
"Оила ва жамият" мухбири.



ДАДАМДАН ЯШИРИБ ПУЛ БЕРАРДИЛАР

Ришод СОБИРОВ,
дзюдо бўйича жаҳон чемпиони:

— Онам Гулнора Собирова бошланғич синф ўқитувчиси бўлганлари учун уйимизда тартиб-интизом, ўқишга эътибор жуда кучли эди. У киши ҳам меҳрибон она, ҳам сирдош дўст, ҳам талабчан устоз вази-фасини ўтаган, десам янглишмайман. Бизларга ростгўйлик, мардлик, йиқилгани суяш, ўзингдан каттага ҳурматни ўқтириб ўстирганлар. Мени спорт мактабига олиб бориб, синовлар ўтиб кетган бўлса-да, жойлаштириб келган ҳам онам бўлади. Тўғри, отам ҳам бизнинг келажимиз учун қайгурган. Аммо онажоним менинг эртага ўз соҳамда яхши натижаларга эришимга чин дилдан ишонган. 10–11 ёшимдан оиламиз бағридан узокда, кўшни тумандаги спорт мактабида ўқиганман. Лекин онам ҳар ҳафта канда қилмай, мени кўргани борар, дам олиш кунлари, таътилларда уйга келсам, катта кўрпа ёзиб, мени шуғулантирадilar. Онаминг ҳам унча-мунча курашдан хабарлари бор эди-да. Чунки болалигида ўзлари ҳам маҳалладагилар билан кураш тушиб енгилмаган экан. Хозиргача мусобақаларимни кузатиб, хатоларимни топиб ўтирадилар. Спорт мактаби директори ўғли болаларнинг отаси келсин деса ҳам менинг онам бораверарди. Ҳар гал ўқишга кетаётганимда отам харажат учун етарлича пул берардилар-у, онам ҳам яширинча чўнтагимга бир-икки сўм солиб кўярдилар. Болам ҳеч нарсага зорикмагин, ҳеч нарсаи ўйламай, машгулотларингни бажаравергин, омад инсонинг ўз қўлида, деб кузатардилар.

Дунёнинг қайси бир давлатида бўлмасин, мусобақага чиқишдан аввал менга кўз тикиб турган ватандошларимни, ота-онам ва мураббийларимни кўз олдимга келтирмаман. Кўлга киритган ҳар қандай катта-кичик ютуғимдан энг аввал онам хабар топиб, табриклайди ва, билманки, мағлубиятга учрасам ҳам, энг олдин онамнинг қай-гурадилар. Шунинг учун айтаманки, спортчиларнинг оналарига ҳам осон эмас. Ҳар гал фарзанди мусобақа гиламига чиққанида икки карра кучли ҳаёжонни кўнглидан ўтказди.

Онам бир дунё соғинчлар билан Бухородан Ташкентга — бизниқига келсалар, шу кунни уйимизда байрам бўлади, кўнглим сўз билан таърифлаш-кетим қийин гаройиб нурга тўлиб кетади. Она-бола тўйиб-тўйиб гаплашамиз.

Ҳар гал бирор жойим оғриб қолса, нуруний бувимнинг бетоб ётганидаги ҳолати эсимга тушади. Гарчи болалари бетида парвона бўлишса-да, дард хуруж қилганида: “Вой, онажоним, вой жоним”, деб инграрди. Ўзлари 75 ёшда, волида-сининг дунёдан ўтганига қанча йиллар бўлиб кетган-у, лекин онасини хотирлаши менга бироз галатирок туоларди ўшанда. Ниҳоят, бу тушуниксиз, сирли соғинч сирларини ўзим ҳам она бўлганимдан кейингина англадим. Она ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, бизни йўқлик олампидан Борлик дунёсига олиб ўтган Муқаддас Кўприк, бизнинг биргина хушхол жилмайишимиз учун бутун дунёсини фидо қилишга тайёр мўътабар зот экан. Таъбир жоиз бўлса, биз мева бўлсак, Она — муаззам Тириклик Дарахти: турмуш довуллари ҳамла қилганида бизни бағрига босиб авайлайди, уйримизнинг узок, бахтимизнинг бардавон бўлишини тилайди. Шу боис бошимизга иш тушганида тугма сезимларимиз ишга киришиб, беихтиёр тилимизга “Онажон!” деган ҳаётбахш сўз келаркан...

СУЯНЧИМСИЗ, ДАВЛАТИМСИЗ, ОНАЖОН!



БИРИНЧИ ТАНҚИДЧИМ Равшан КОМИЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Дунёда ҳеч бир иждоқор йўқки, аёллар, оналарнинг меҳру муҳаббати, гўзаллиги, вафосадоқатини қуйламаган бўлса. Аёлни эъзозламаган, кўларга кўтармаган бирор миллат борми?! Аммо уларни ҳар қанча мадҳ этмайлик, ардоқламайлик, барибир камлик қилаверарди. Репертуаримда ҳам онажонларимиз, мунис опа-сингилларимизни таърифлаб қуйланган ўндан зиёд кўшиқ бор-у, лекин ҳали айтолмаган наволарим кўп.

Эл бўлишда танилиб, санъаткор бўлишимда ҳам онажонимнинг ҳиссалари беқиёс. У киши олий маълумотли, кенг дунёқарашга эга аёл. Касблари инженер бўлган. Мендаги қобилиятни сезиб, мусиқа мактабига етаклаб борганларида жуда ёш эдим. Бола эмасманми, бошқа ўртоқларимнинг ўйнаётганига қизиқиб, икки ойча мусиқа мактабига бормай, кўчада юриб-юриб қайтиб келаверганман. Онам буни билиб қолиб, роса койганлар. Агар ўшанда “Куй болам, сени қийнаб нима қиламан”, деб эътиборсизлик қилганларида бугун қайси соҳада ишлаётган бўлардим-а...

Ҳам меҳрибон, ҳам қаттиққўл ойижоним — менинг энг биринчи тингловчим, танқидчим. Оллоҳга шукр, ҳар кун эрталаб қаерга отлансам, у кишининг дуоларини оламан. Сафарлардан, тўй-томшалардан қайтиб келганимда биринчи бўлиб бу дунёда топиб бўлмас, давлатим — онагинамни сўроқлайман. Оналаримиз ҳамиша омон бўлишини!

ЯШИЛ ПАРДА

Даврон РАЖАБ,
шоир:

— Онаминг ишхонасидан чақалоқлар овози эшитилиб турарди. Эркаларнинг жиддий қиёфалари деразага энтиккан, қайсидир аёл боласини йўрғақлаб пастдагиларга кўрсатаётган бўларди... 1982 йил эди. Мен расомлик билим юртининг 1-курсидан ўқирдим. Бу мўъжаз иморатнинг шаффоф эшиклари ялтираб кўзимни олиб қўйгани, онамга олпоқ, чиройли бўлиб кетибсиз, деганим ёдимга тушади. Оханг оқиб киргандек бўлади. Тоза ҳаво юрагимни кенгайтириб юборарди. (Ахир, ўшанда, сен онангни охири марта кўриб турибсан, жимгина дейдир-рига тўйиб қол, дейдиган куч йўқ эди!) Уларнинг менга нималар дегани аниқ эсимда йўқ. Умуман, онам менга бирор гап-ўғитни бўрттириб айтмаган ҳам. Мени кўрганларида доим қандайдир хотиржам бўлганини сезардим...

Онам. Улар инжа нақшли қалин-чипор яшил матодан биз ака-укалар ётоғига парда қилганини, у бизни пешининг куйдирадиган қуёшдан тўсиб турганини бот-бот эслайман. Мен бу пардани автоматик тарзда очилга (матро оржасидан ингичка ёғоч рейка-мослама ўрнатиб, билинар-билинамсип билан тортиларди) уриниб кўрдим. Яшил парда қалин бўлганиданми, қуёшли кунларда хона ҳам яшил тусга кирарди. Жазирама иссиқларда бу хона салқинлиги боис бемалол мизғиб олса бўларди. Ўша парданинг ўнг томонидаги бурчақда кичкина китоб жавони бор эди.

Бир кун Сервантеснинг расмлар китоби бе-затилган “Дон Кихот” китобини ўқибтандим (бешинчи ё олтинчи синфда бўлса керак). Ўқишга берилиб кетибман. Шарофли рицаринг теги-ром билан олишган боблари. Мен кула-кула ўзимни тўхтатолмаганман. Шунда онам хонамга кириб келиб аччиқ нигоҳ билан қараган, пешонамдан ушлаб қўриб, “Эртан сени дўхтирга олиб бораман, ҳозир ётиб ухла”, деб семиз расмли китобимни олиб чиқиб кетганлар...

Онам. Уларнинг яшил қоши тилла узуги бор эди. Узук онаминг энг қимматбаҳо буюми эди. Элас-элас эслайман, бу тилла узукнинг тошлари гавхардан — онаминг бир томчи кўз ёшидан бўлган эди.

...Онам. Бир амаллаб яшил пардали, гавхар қош узукли, онажоним ифори келадиган шафтли уйни бошқа кўрмаслик учун тунда Урганчдан чиқиб кетаман...

Яхши одамлар кўпай- син десангиз, яхши она- ларни кўпайтиринг!

Жан ПОЛЬ

ФАҚАТ БИЗНИ АДАШТИРМАГАНЛАР

Ҳасан-Хусан Солиховлар, Ўзбекистон
Ёшлар театри актёрлари:



Ҳасан:

— Айтишларича, Оллоҳ ҳаммага ҳам эгизак фарзандлар ато этавермас экан. Шунинг учун бўлса керак, одамлар баъзи удум ёки ирим-сиримлар ўтказаяётганида эгизак боласи бор аёлларга мурожаат қилади. Она деган буюк зотни шунчалар эъзозлаймиз, уларнинг шаънига мақтовлар ёғдирамиз. Сабру матонати, меҳру муҳаббати олдида бош эгамиз. Улар бизни дунёга келтириб, бир парчалигимиздан боқиб вояга етказган, неча-неча тон-ларни бедор оттирган. Энди, ўйлаб кўринг, икки гўдакни бир пайтда дунёга келтириш ва катта қилиш икки карра сабот, икки карра матонат, икки карра меҳр талаб қилмайдими?! Мана шунинг учун эгизак туққан аёллар жан-нати бўлади, дейишади.

Укам билан мени икки-уч ёшимизгача энг яқин қариндошларимиз ҳам адаштириб юборишган. Фақатгина онам туғилган дақиқаларимизданок ажрата олганлар. Ойимнинг ай-тишларича, туғуруқхонада қизик воқеа содир бўлган экан. Энагалар мени овқатлантириш учун келтиришди. Кейин олиб бориб қўйиб, яна мени кўтариб келишибди. Аммо онам нариги томонда йиғлаётган Хусан экани, ҳозир яна Ҳасани олиб келишганини сезиб, «Йўқ, йиғлаётган кичиги, бу эса каттаси-ку», деган. Ҳамширалар бизни адаштириб юборишган-да. Кўрдиргимиз, онанинг кўнгли қанчалик сезгир...

Хусан:

— Ойижоним ҳар иккалаимизга ҳам характеримиз, дунёқарашимиздан келиб чиқиб ёндашганлар. Иккимизнинг ҳам кўнглимиздан қандай ўй-хаёл кечса, бирор муаммомиз бўлса, дарров сезиб, ечим излашга киришадилар. Тўғри, меъёрида эркалатганлар. Хато қилсак, ўзига хос жазо усуллари бор — ара-лаб биз билан гаплашмай кўярдилар. Биз бундан ниҳоятда кўркардик. Дарров онажонимдан кечирим сўраб, кўнгилларини олишга ҳаракат қилардик. Онам билан яқин бўлмаслик, гаплашмаслик жудаям қийнаб юборарди-да. Чунки у киши биз билан сирдош, яқин дўст, маслаҳатгўйимиз. Иккалаимизнинг санъат йўлини танлашимизга ҳам асосан онам сабабчи. Ўқувчилигимизда бир муаммо чиқиб қолиб, мактабимизни ўзгартиришга тўғри келган. Фарзандларим соғлом, қадди-қомати келишган бўлсин деган ниҳоятда онам бизни хо-реография олий мактабига олиб борганлар. Аммо истеъдодимизнинг очилмаган қирралари намоен бўлиб, акам билан санъат инсти-тутига ҳужжатларимизни топширдик ва бугун ҳаммамиз бундан мамнунмиз.

Онам бизлар роль ўйнаган спектаклларга кўп ҳам келавермайдилар. Чунки бизнинг баландликдан сакраш ва бошқа қалтисроқ ҳаракатларимизни кўришга юраклари дош бермайди. Лекин уйда ўтириб бўлса-да, бизни қўллаб-қувватлаб, дуо қилиб турганларини ҳис этамиз.

“Оила ва жамият” муҳбири
Шаҳноза РОФИЕВА ёзиб олди.

Болалик — инсон умрининг пойдевори. Келажакда эришлajak муваффақиятлар, дуч келинажак омадсизликлар — ҳамма-хаммаси болалигимизга боғлиқ. Бугунги мақоламиз қахрамони Дилбар Алимхўжаеванинг ҳам тадбиркорлик фаолияти ўша 8-9 ёшлигидан бошланган, десак муболага эмас. Отанинг бевақт қазо қилиши ҳамилдор онани анча эсанкиратиб қўйди.

сўзлар на қадар чинлигига умр бўйи қайта-қайта амин бўлмоқда.
— Йигирма беш йил савдо ходими бўлиб ишладим, — дейди Дилбар опа. — Авваллари туманимизда умумий овқатланиш шохобчалари етарли эмасди. Кўпчилик тушлик учун уйдан таом кўтариб келарди. Бир куни раҳматли онамни тушимда кўрдим. У киши худди болалигимиздагидек ман-

элга яхши хизмат кўрсатсанг, ишинг бароридан келаверади.

Аёл киши ҳақида гап кетар экан, оливий бахт масаласига тўхталиб ўтмасдан илож йўқ. Дилбар опанинг турмуш ўртоғи Давлат ака асли қурувчи. Чойхона ва тўйхоналар қурилишида ўзи бош-қош бўлган. Эр-хотиннинг бир-бирига ишончи, ўзаро меҳр-оқибати, болалар

Замондошларимиз

эшиклари очилавераркан. Эрта-индин қарилк нафақасига чиқадиган суҳбатдошимиз “Қанийди, қайтадан ёшариб қолсам, умримнинг ҳар сониясидан мустақил юртимни обод қилиш йўлида фойдаланардим”, дейди. Лекин бу истакни зинҳорба-зинҳор ўз ҳаётидан норизолик деб тушунмаслик керак.

Аксинча, умрининг ганиматлигини англаган одамларгина шундай ният қилишади.

Дилбар опа самимий дил изҳорлари орқали мустақиллигимизнинг 20 йиллиги арафасида эсдалик нишони билан тақдирланганидан мамнунлик сезади. Тажриба ошириш учун хорижий давлатларга борганида эса “Барибир она Ватанимдан кўймайсин экан!” дея тезда ортга қайтади.

Шу кунларда яна бир савобли ишга қўл урилди. Оҳангарон шаҳри марказида “Мустаҳкам оила” боғи барпо этиляпти, ҳозир илк ниҳоллар ерга қадалмоқда. Хиёбонда ёш келин-кўёвларга дам олиб, айланиш учун шарт-шароит яратилиб, 50 нафар ёшлар ишга жалб қилинади...

...Суҳбатимиз сўнгига Дилбар опа ўзига елкадош ишчилари ҳақида ҳам алоҳида тўхталди. Ахир, меҳнатнинг асосий қисмини улар қилишяпти-да! Бош ошпаз Шерзод Зоитов, Дониёр Хотамов, Баҳодир Юсупов, Собира Сулаймонова сингари ўз касбининг усталари тўғрисида гапирга туриб, “Қанийди, имкони бўлса, ҳаммаларини нома-ном санаб чиқардим”, дея кўшиб қўйди...

**Нигора ЎРОЛОВА,
“Оила ва жамият”
муҳбири.
Тошкент вилояти.**

Реклама ўрнида

**ИСТИҚЛОЛ
ОДИМЛАРИ**

Пойтахтимиздан жанубга қараб йўл олар экансиз, бепоеён кенгликлар ҳаёлигини узоқ-узоқларга етаклайди. Бўка тумани туғаб, Бекобод тумани бошланади. Ўн иккита қишлоқ фуқаролар йиғини, эллика яқин маҳаллада қарийб бир юз эллик минг аҳоли истиқомат қилади. Туман ёшлари 57 та умумтаълим мактаби, 7 та касб-хунар коллежида ўзқазилган шарт-шароит асосида таълим олаётир.



Туманда “Мустаҳкам оила йили” муносабати билан ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш масаласига янада катта аҳамият берилмоқда. Хусусан, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкор ташкилотлар билан бирга касб-хунар коллежларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бора-япти. “Турмуш қуришга тайёрмисиз?”, “Аёл — оила зийнати”, “Эрта оила қуришнинг зарарлари”, “Қариндошга қиз берманг” мавзусида ўтказилган тадбирлар йигит-қизларда катта таассурот қолдирмоқда.



Сўнгги йилларда Юртбошимиз ташаббуси билан мусиқа ва санъат мактаблари моддий-техник базисини муостаҳкамлаш, ўқув биноларини таъмирлашга алоҳида эътибор кўрсатилаётир. Бекобод тумани Зафар шаҳарчасидаги 16-сонли таълим муассасаси ҳам ана шундай гамхўрликдан баҳраманд бўлди. 150 ўринга мўлжалланган, икки қаватли болалар мусиқа ва санъат мактабида ўғил-қизлар учун барча имкониятлар етарли. Ўйни пайтда бу ерда юзлаб фарзандларимиз ўйлаб санъат турлари билан ошно тутинишган. Улар ҳозирда ноқўсак галабаларни қўлга киритишмоқда.

**Турдикул НОРМАТОВ,
“Оила ва жамият” муҳбири.**

ОЛИБ ҚОЧГУНЧА, СОЧИБ ҚОЧ

— дейди оҳангаронлик тадбиркор
Дилбар Алимхўжаева

Бир этак бола билан беваликни бўйнига олиб, бозорда манти сотди. Дилбар ҳам мактабдан келиб, рўзгор ишларига қарашар, кўчада дугоналари ўйнаб юрганда уйда пиёз тозалаб ўтирар эди. Гоҳида мурғак қалбидаги аламлар “пиёз сув”и баҳонасида кўзларидан оқиб кетарди. Тенгдошлари иссиқ ўринда ором олаётган пайт эса мижжа қоқмай, онасига кўмаклашарди.

— Сахарлаб ўчоқда овқатимиз, тандирда нонимиз тайёр бўларди, — дейди Дилбар опа ўша йилларни эслаб. — Чунки ёнимизда жойлашган касалхонага бемор кўргани келганлар навбат кутиб ўтиришарди. Бир куни қизик воқеа бўлди...

Онаси бозордан ёшгина келинчак билан қайтди. У кун бўйи Дилбарга пиёз тозалашди, онасига ҳамир ёйишди. Кечга яқин тайёр бўлган мантидан тўйиб ёб олгач, онаси катта косага ҳам тўлдириб солиб берди. Ҳатто тутган пулини ўзига қайтарди. Келинчак кетгач, қизалоқ йўлга юборди. Мактаб сумкаси йиртиқ эди-да, ҳалиги пулга сотиб олса бўларди. Шунда раҳматли онаси “Худо сенга ҳам етказар, қизим”, дея ишида давом этди. Эртаси куни эса савдо юришиб кетиб, Дилбарнинг орзуси ушалди. “Сен бир қисм берсанг, сенга бир ҳовуч берар экан”, деганди ўшанда онаси. Қизалоқ бу пурмаъно



ти тугаётган эканлар. Буни яхшиликка йўйиб, шу кунгича бир ташландиқ худудни беришини сўраб, туман ҳокимига мурожаат этдим. Атрофни тозалаб, ободлаштирдик. 60 хўрандага мўлжалланган ошхона очиб, икки қизим билан иш бошладик. Биринчи куни 15 киши кирди. Буни кўргач, озиқ-овқатлар увол бўлиб қолса-я, дея хунобимиз ошди. Ҳафта ўтиб, ишларимиз жойига тушди.

Дилбар опа Алимхўжаева бошчилик қилаётган “Темур ота” хусусий кичик корхонасида бугун юздан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда. “Темур ота”, “Алимардон” чойхоналарида 30 турдаги иссиқ овқат, 20 хилдаги салат ва пишириқ тайёрланади. Ҳа, юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилган. Солиқларни вақтида тўлаб,

тарбиясига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Қизлари тадбиркорлик бобига ота-она изидан боришган бўлса, Дониёрбек эса бу йил Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистратурасини тамомлайди.

— Бу йил тумандаги кам таъминланган оилаларнинг 25 нафар фарзандига суннат тўйи қилинбидими? — сўраймиз у кишидан.

— Қадимгилар “Олиб қочгунча, сочиб қоч” маколени беҳиз айтишмаган, — дейди Дилбар Алимхўжаева камтарлик билан. — Элга нафнинг тегиши ҳам катта бахт, аслида. Тадбиркорлар билан маслаҳатлашиб, хайрли ишга ўз ҳиссамизни қўшиқ, холос. Бугунги ёш авлод эртага қўлимиздан тутиши аниқ.

Ҳа, меҳнатни севсанг, оламнинг икки қанотли

НИКОҲ ТУЗИЛМАЙДИ

Рухий касаллиги аниқланган шахслар билан никоҳ тузишга йўл қўйилмайдими? Ахир, уларнинг ҳам орзу-умидлари бор-ку?

Ш.Зокирова



Савол-жавоб

Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 16-моддасига кўра, лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди. Чунки бундай шахслар ўз хатти-ҳаракатларининг оқибатига тўла жавоб бера олмайдилар. Бу қонди ниҳолхонларнинг ихтиёрий ва ўз хоҳишига биноан никоҳ тузиш тамойилидан келиб чиқади. Қонунчиликда бундай тартибнинг белгилаши келажак авлоднинг саломатлиги тўғрисида давлат гамхўрлигининг ёрқин ифодасидир. Никоҳга кирувчи шахс ФХДЭ органларида ариза топширгандан сўнг, никоҳни қайд этиш мuddатигача суд томонидан руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилса, бундай ҳолат никоҳ тузилишига монелик қилувчи ҳолат деб ҳисобланади.

Агар никоҳ қайд этилгандан сўнг эр-хотиндан бири белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилса, бу ҳолат никоҳни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди. Суднинг эр ёки хотинни муомалага лаёқатсиз деб топиб тўғрисидаги қарори бундай шахс билан тузилган никоҳни бир томоннинг аризасига кўра фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органида ажратиш учун асос бўлади.

Саволга Қарши шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси Матлуба КЕНЖАЕВА жавоб берди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

**Ҳурматли
Рўзбой ҚўЛДОШЕВ!**

10 март — кўлуг 50 ёшингиз билан чин дилдан табриклаймиз. Сизни иқтидорли тележурналист, садоқатли дўст, вафодор оила устуни сифатида кўпчилик қадрлайди. Мустаҳкам соғлиқ, ўлмас муҳаббат, боқий бахт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!

Ҳамкасбларингиз

Азиз Муқаддасон!

7-март — туғилган кунингиз билан кўтлаймиз. Сизга узоқ умр, ижодий ишларингизда муваффақият, бизнинг бахтимизга ҳамиша соғ-саломат юришингизни тилаймиз.

Оила аъзоларингиз номидан **кайнотангиз Аҳмад Ражабов, турмуш ўртоғингиз Жасурбек, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри.**

• РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА •

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

ҳўйндаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилик — 6 ой.	Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой, Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.	Сартарошқори — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.	Каштанчилик — 3 ой (машинада вышивка).
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиб, 2 ойи амалиёт.	Тикувчилик — 2-3 ой.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).	Инглиз тили — 3 ой.
Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой.	Рус тили — 3 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.	Бисер, яъни муноҷот тикиш — 2 ой.
Пишириқлар олий курси — 1 ой.	Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.	Компьютер сабоқлари — 2 ой.
Интернет — 1 ой.	

Барчаси амалиёт билан

Ётоқхона мавжуд.
Ўқишни тугатганларга **ДИПЛОМ** берилади.

Манзил: Юнусобод тумани 3-маъза 1-уй 31-хона. Мўлжал: Юнусобод деҳқон бозори орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

Филиал манзили: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси, 4-уй 40-хона. Мўлжал: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

Тел: (8371) 295-97-82, +99897 785-90-30 (кундузи)

Ёшим 58 да. Худога минг қатла шукр, ҳамма ҳавас қиладиган ошам, фарзандларим, келин-куёв, невараларим бор. Лекин... юрагимни сал кам қирқ йилдан бери бир дараж қийнайдим. Бу ҳақда шу кунгача ҳеч кимга оғиз очмаганман. Нега десангиз, бировга айтсам, "Ул-а, қариб ҳам қўйшмадингми, кимга керак сенинг муҳаббатинг?" дея устимдан кулишлари аниқ. Лекин нима қилай, охири минг бир истихолога бориб, сизларга хат ёзишга қарор қилдим. Бу билан бугун ўзимни оқламоқчи ёки қораламоқчи эмасман. Фақат севи-муҳаббат деган илоҳий туйғунинг қадрини ўз вақтида англаб, севиши ва севиладиган бахтга мушарраф бўлганларга менинг бошимдан кечган воқеалар бир сабоқ бўлин, деган умидман.

...1971 йили Тошкентдаги нуфузли олий ўқув юртига ҳужжатларимни топширдим. Ўқишга кириш-кирмаслигим аниқ бўлгунча қадар узоқ танишимизнинг уйда яшаб турдим. Илтиҳонларни муваффақиятли топшириб, ниҳоят ўқишга қабул қилиндим. Шу кунни мен яшаётган уй эгаси ўғлига суннат тўйи қилди. Тўй кунни кўплаб қариндош-уруғлари келишди. Улар орасида негадир бир қиз эътиборимни тортса бўладими?! Гап-сузларидан билдимки, исми Хумора экан. У мenden икки ёш кичик эди, тўйдан кейин ҳам уч-тўрт кун шу хонадонда меҳмон бўлиб қолди. Шу баҳонада биз у билан яқиндан танишдик. Кейин мен ўқишимга яқинроқ жойга кўчиб ўтдим. Бахтимни қарангки, мен яшайдиган уй Хумора ўқийдиган мактабга яқин экан. У билан баъзан учрашиб қолсак, ҳар хил мавзуларда суҳбатлашардик.

Орадан бир йил ўтгач, қариндошимизникига меҳмон бўлиб бордим. Оиланинг тўнғичи мен билан яқин сирдош эди. Менга отаси уни Хуморага уйлантирмоқчи эканини айтди. Бу гапни эшитиб, ичимда бир нарс

рак, деган ўй қийнардим мени. Бироқ, ўша қиз тунлари тушларимга кириб чиқар, кўча-кўйда кўришиб қолсак, жуда самимий гаплашар, мени ўзига оҳанрабодек тортиб борарди. Уни чин юракдан севиб қолганимни англадим. Афсус-

зурунг орасида энди уйланиш вақти етганини, кўз остимга олиб қўйган қиз бўлса, айтшимни сўрашарди. Мен эса... дардимни ичимга ютиб, охири онамга "Сизлар кимни топсангиз, шунга уйланаман", дедим. Чиройли тўй қилиб, яхши бир оиланинг қизи билан турмуш кўрдик. У ҳам мени самимий, оққўнғил, мени тушунадиган келинчак экан. Биринкетин фарзандларим туғилди. Бир қизимга... унинг исмини қўйдим. Нега десангиз, Хуморани шу орқали тез-тез эслашни хоҳлардим.

Бир кунни Хуморани танийдиган ўртоғимни кўриб қолдим. Суҳбат орасида унинг турмуши бўзилганини, эридан ажралиб, отасиникида бир қиз, бир ўғли билан яшаётганини айтиб берди. Ўша йили ёзда мени малака ошириш учун пойтахтга юборишди. "Тошкент" меҳмонхонасига жойлашдим.

Кечқурунлари жазирама иссиқ бўлгани сабабли Навоий театри олодидаги фаворалар олдига борардим. Бир кунни икки фарзандини етаклаб, ёши улғу аёл билан айланган Хуморага кўзим тушиб, беихтиёр тўхтаб қолдим. У ҳам мени кўрди-ю, бирдангина, "Вой, Турди ака, сизмисиз?! Ўзгармасиз-а, мени эслайсизми, Хумораман", дея кулб сўраша кетди ва онасига ҳам мени таништирди. Мен эса кўзларимга



узалиб кетгандай бўлди. Негадир кейинги пайтда ўзим билмаган ҳолда Хуморага боғланиб, қолган эдим. Шунинг учун бу хабардан қалтираб кетдим. Лекин унга ҳеч нарсани сездирмадим. Мен ҳали ўқишим керак-ку, устига устак, Хуморанинг онаси ҳам анча калондимоғ экан, менга беришмаса ке-

ки, орадан кўп вақт ўтмади, бир кун...

Унинг тўйи бўлаётганини эшитдим. Ўша кунни дунёни унутиб, ҳеч кимга сездирмай, тўйиб-тўйиб йиғладим. Орадан йиллар ўтди. Ўқишларим тугаб, ўйланма билан ўз вилоятимга қайтиб, нуфузли ташкилотда иш бошладим. Уйдагиларим, айниқса, ота-онам гап-

Тахририятга хат

ишониб-ишонмай, ҳаяжонланиб тилим айланмас, нима дейишни билмасдим. Бироз гаплашиб тургач, ўзимни ноқулай сездим ва секингина иш жойи ва яшаш манзилени сўрадим. Эртаси кунни ўқийдан чиқиб, Хуморанинг ишончасига бордим. У ҳам мени қувониб кутиб олди. Анчагача суҳбатлашиб ўтирдик. Кеч тушгач, ўйига қузатиб қўйдим. Кейин ҳам уйларига бориб, онаси билан ўтган хотираларни эслаб турдик. Дарслар тугагач, қишлоққа қайтдим. Анча вақт тельфонда гаплашиб юрдик. Орадан бир йилча вақт ўтгач, онасининг вафот этганини эшитиб, кўнғил сўрадим. Лекин кейинчалик ҳам кўришганимизда бирор марта "Мен сизни ўша маҳаллар севган эдим, бироқ айтолмай армонда яшайман", демадим. Чунки энди кеч, ва фойдаси ҳам йўқ. Фақат бизлар энг яқин жигарғушалардек бўлиб кетдик. Ҳозир ҳам тельфонлашиб, хабарлашиб тураемиз. Бизнинг борди-келдимиз оиламизга ҳеч қандай раҳна солмайди, қайтанга, фарзандларимиз ҳам бир-бирлари билан аҳлиноқ бўлиб кетишди.

Сизларга хат ёзишдан мақсадам, ҳозирги ёшларимиз севи-муҳаббатни бир оддий эрмак, уйинчоқ деб билишгани менга қаттиқ алам қилади. Ахир, ишонсиз севиши, севиладиган улғу бир мўъжиза Яратган томонидан инъом этилган. Ўз вақтида бу муқаддас туйғунинг қадрига етиб, кейин пушаймон қилиб юрмайлик. Шоир Абдулла Орипов ёниб ёзганидек, "Дилдаги оҳим менинг биринчи муҳаббатим".

Турди ЭРГАШЕВ,
Бухоро вилояти.

Савол-жавоб

МАХФИЙ ВАСИЯТНОМА ҚАНДАЙ ЁЗИЛАДИ?

Уч нафар фарзандимнинг барчасини уйли-жойли қилганман. Ўзим эса алоҳида уч хонали уйда яшайман. Болаларим шу хонадонни кимга қолдиришимни билалмай хавотирда. Эшитишимча, яқинда менга сездирмай, ўзаро уй талашиб уришиб қолишибди. Мен эса уйни кенжа неварамга совға қилмоқчиман. Лекин бу қароримни фарзандларим эшитса, норози бўлишари. Васиятномани махфий тутиш учун қандай чора қўлласам бўлади?

М. Жўраев

— Азалдан одамлар умр бўйи орттирган мол-мулки вафотидан сўнг ўзга шахслар қўлига ўтиб, талон-тарож бўлишининг олдини олиш мақсадида фарзандларига ёки яқинларига васият қилиб қолдиришни одат қилишган.

Васиятнома ҳар қандай вазиятда ҳам васият қилувчининг хоҳиш-истагига қараб тузилади. Аксарият фуқаролар бу муҳим ҳужжатни имкони борича махфий бўлиб қолишини исташади. Шу боис васият қилувчининг хоҳишига кўра васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан тасдиқланиши мумкин.

Махфий васиятномани васият қилувчи ҳақиқий саналмаслик ҳавфи остида ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, елимланади. Гувоҳлар ўз фамилиялари, исмлари, ўз оталарининг исмини ва доимий тураржойларини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўядилар. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солиниб елимланади, унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.

Васиятнома ҳуқуқий оқибат келиб чиққунга қадар нотариусда сақланади.

Саволга Фаргона вилояти,
Буйайда туман ДНИ нотариуси
Маъруфжон ОХУНОВ жавоб берди.

Кўнғил мулки

МУҲАББАТГА АЙЛАНДИМ

Ҳаёт менинг Муҳаббатимни ютиб олди. Гирром экан, у билан ўйин бошида бундай келишмагандик, аслида, бу шунчаки эрмак эди... Мана, энди куну тунларим бир қатра меҳрга зору интизор ўтаяпти... Мен севгим билан тиррик, у билан яшаётган, яшаётган эдим, энди юракгулларим азоб чирмовуқлари остида зор қакшапти. Муҳаббатимни қандай қайтаргум бу бевафо, бедаво Ҳаёт қўлидан?

Нажот сўраб Қуёшга ёлвордим:

— Энг улғувор, энг сахий сенсан бу ёруғ оламда. Ҳеч нарсга сенга, сенинг зарра нуриңга тенг келолмайми. Менга йўл кўрсат, Ҳаётдан Муҳаббатимни қайтариб олмоқ учун менга кўмак бер...

Миллион ёшли Бобоқўёш узоқ ўйланиб, соқоли — заррин нурларини сийпалай туриб шундай жавоб берди:

— Бу йўлда мен ожизман. Мен унга ҳукимини ўтказолмайман. Сен яхшиши, Ол атиргул гунчаларидан кўмак сўра, улар Ҳаётни жуда яхши тушунади.

Минг йиллар аро Ол атиргул гунчаларини изладим. Тақдир йўлларимда қаҳир тиканаклар учради, товоңларим қонади. Зулматли дунёда минг қарра адашдим, руҳим сочилиб кетди. Товоңларимни сабр билан ямаб, руҳимни кўнглим соясига беркитиб, яна йўлга тушдим. Манзилим олис, қаердалигини билмайман. Тоқатларим тугаб, шамдек эриб битаёзган сўнги кунларимда меҳрибон Момо Ҳаво менга кўмакка келди: Ол атиргул гунчалари манзилени айтди.

Ўз ийтирбо, дарду гапларимдан кўқариб, бетартиб тарзда гуллаб кетган юрак чакалакзорига кирдим. Соянинг бир бурчи кўланкалигини қачондир эшитганим бор, шу сабаб бу ерни соямдан бошлаб тозалладим. Аввалига фақат қора рангларнинг тусини салгина оқартира олдим, холос. Бутун вужудимни айрилиқнинг либосига ўраб, бөшимга тоқатларимни ёпиб олдим.

Қўлимда Муҳаббатим хотиралари билан чакалакда ишлаб бошладим. Силламан куриб қолганда меҳрибон Ҳаво ҳузурига борар, унинг ҳаётбахш меҳридан ўзимга келардим. Қанчалигини билмайман, балки минг йиллар шу чакалак аро қолиб кетгандекман...

Бир кун яшил шабада эсаётганини пайқаб қолдим. Кўз ёшларимдан кўқарган чакалакзорни бор бўйим билан туриб томоша қила бошладим. Мен кичкинаман деб ўйларканман, йўқ, бу фикрим нотўғри чиқди. Мен жуда, жуда-жуда улкан эканман. Буни ўрнимдан турганимда билдим. Чакалакзорнинг ўртасига келганим, хали олдимда янада машаққатли тиканакзор борлигини кўрдим. Туннинг охири тонг, қаролик оқликдан бошланганидек, қаҳир тиканлар орасида пушти гуллар кўзга ташланарди. Бу гуллар ўтган қувоңларим бўлса-да, уларни-да юлишга, узиб олишга мажбур эдим...

Мана, ниҳоят удалладим. Ўз қайғуларимдан яралган чакалакдан яйдоқ дала қолди, холос. Бу ерда энди мен фақат Шодлик, Қувоң, Бахт экман. Уларни табассумим билан суғориб, кулгуларим, меҳрим билан парварিশлайман.

Бироқ, излаганим Ол атиргул гунчаларини топа олмадим. Яна Момо Ҳаво ҳузурига бордим. У эса менга саволомуво қараб, жилмайиб турарди:

— Эҳ, ўзимнинг қизалоғим-ей, энди сенга ўша гунчалар керакмикин? Ахир, бор бўйинг билан ўзинг кутган, ўзинг истаган Муҳаббатга айлангансан-ку...

...Ҳаёт мenden тортиб олганига қасдмақсад ўзим Муҳаббатга айландим, ўзим нурларга қўмилдим. Энди Ҳаётнинг гирром ўйинларига ишонадиган соддагина қизалоқ эмасдим...

Гулинигор АВАЗОВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти
совриндори.



“ГОЛЛИВУД” БЕЛГИСИНИНГ СИРИ

Баланд тоғлар кўксидан ўрин олган улкан “Голливуд” белгисини яхши биласиз. Бу белги 1923 йили ўрнатилган эди. Аммо ўшанда унинг маз-



муни «бунтжохон армонлар фабрикаси»ни ташкил этмасди, шунчаки Лос-Анжелесдаги янги тураржой мавзесининг рекламаси эди, холос. Аввалига бир қадар узунроқ эди, яъни “ХОЛЛИВУДЛЭНД” (HOLLYWOODLAND). Тоғ тепасига ўрнатилган улкан ёзувлар реклама сифатида бир ярим йил туриши кўзда татилганди. Бироқ Голливудда кино санъатининг жадал ривожланиб кетиши шарофати билан уни рамзий белги сифатида қолдирадиган бўлишиди.

Бу мавзе шу қадар машҳур бўлиб ва оммалашиб кетдики, кино соҳасига қадам қўйган ҳар бир талант учун улкан армонга айланди. Британиялик актриса Пег Энтуисл Голливуд этирюфига сазовор бўлмоғида, Голливуд белгисидеги «Н» ҳарфидан ўзини паства ташлаб, жонига қасд қилган.

Вақт ўтиши билан «Hollywood» белгисидеги ҳарфлар бир-бир кулай тазолашган. Уни тиклаш учун 1978 йили «Плэйбой» журнали асосчиси Хью Хефнер ҳарфлар аукционини ташкиллаштирди. Бу аукцион уч ой давомида ўтказилди. Америкалик рок-музикчи Эллис Купер «О» ҳарфининг тикланишига ҳомийлик қилди, Жин Отри ва Пол Уильямс эса «L» ва «W» ҳарфлари учун ҳомий бўлиб саҳнага чиқдилар.

Голливуднинг ҳамма жойида кино кўрсатилади. Шаҳар деворларида, плакатларда, кўча панноларида, катта экранларда ва ҳатто қабристонда ҳам.

Яна бир қизиқ маълумот: тоғ бағрида Голливуд белгиси ифтихор иншоотидек турса, киноижодкорлар ва киносеварлар жамиятида “Голливуд табассуми” деган атама ҳам жуда машҳур. Бу атамани ўтган асрнинг 30-йилларида француз стоматологи Чарльз Пинкус ўйлаб топган. Голливуд актёрлари экранда оппоқ садафдек, бир текис тизилган тишлари билан мақтанishi учун “Холливуд-Лэминэйтс” (Hollywood Laminates) номли керамик қоплама технологиясини ишлаб чиқди. Чарльз Пинкус мижозлари кўпчилигида «Юлдузлар стоматолог» деган номга ҳам сазовор бўлганди. Дарвоқе, унинг мижозлари сафида Жуди Гарленд, Ширли Темпл, Элизабет Тейлор, Барбара Стенвик, Фред Астер ва бошқа кўплаб актёрлар бор эди.

Наргиза СИДДИКОВА
тайёрлади.

БИР ОИЛАНИ ГУЛЛАТАДИ

Зилола билан болаликдан дугонамиз. Эшитишимча, олти ойлигида аммаси кўтариб юрганида сув сепилган ҳовлида сирпаниб, у қўлидан тушиб кетган экан. Вақтида даволатишса-да, чап оёғида асорати қолган. 8-синфни битираётганимизда сўнги кўнғироқ куни роса рақсга тушганди. Ўшанда Рустам деган йигит бехосдан “Чўлоқ қиз ҳам шунча чиройли рақсга тушишини билмаган эканман”, деса бўладими? Бу сўзни эшитган, Зилоланинг ранги пахтадай оқариб, кўзида ёш қалқиб кетди.

Эртаси куни унинг касал бўлиб қолганини, “Тез ёрдам” машинасида шифохонага олиб кетишганини эшитиб, кўргани бордим. “Бундай жисмоний нуқсонли бўлганимдан кўра ичимда энг оғир касаллигим бўлса ҳам рози эдим”, дея йиғлаб юборди. Кейинчалик ўша Рустам унга совчи қўйди. Лекин Зилола “Тақдирим ўзимникига ўхшаш йигитга турмушга чиқаман”, деб оёқ тираб олди. Тили билан юрадиганлар орқаворотдан “Шундай йигитга рози бўлмадимми, яна бир балоси бордир-да”, деб гап-сўз қилишди.

Йиллар оқар сув экан. Зилола онаси вафот этгач, турмушга чиқишга қатъий қарор қилди. Бу хатни дугонам билан маслаҳатлашган ҳолда ёзаяпман. “Оила ва жамият” газетасида бахтини топаётганлар ҳақида ўқиб бораяпмиз. Умидимиз сизлардан. Зилоланинг ёши 41 да. 11 гуруҳ ногирони. Маълумоти ўрта-маҳсу. Хушрўйгина, самимий, оққўнғил қиз. Бир оилани гуллашига ишонаман. 45-55 ёшлардаги, зарарли одатлардан холи, иши тайин, уй-жойли инсон учраса, хабар берсаларингиз.

НАСИБА,
Жиззах вилояти.

ЁЛГИЗЛИК АЗОБИ

Ойсулув курсдошим эди. У билан институтга ҳужжат топшираётганда танишгандик. Икковимиз ҳам билимимизга қаттиқ ишонардик. Лекин биринчи имтиҳондан “уч” олганимда ҳафсалам пир бўлди. Ойсулув далда бериб, қўллаб-қувватламаганида кейинги имтиҳонларни яхши топширолмадим. Хуллас, икковимизга ҳам талабалик насаб этди. Кувончдан бошимиз осмонда эди.

Дўстлигимиз бора-бора муҳаббатга

айланди. Лекин отаси якка-ёлғиз қизига ўртоғининг ўғлини куёв қилмоқчи экан. Ойсулув дадасининг раъйига қарши боролмаслигини айтганида ичимдаги бир куч муҳаббатимизни ҳимоя қилишга ундади. Эртаси куни севгилимга ўйланмоқчи бўлган йигитни излаб йўлга тушдим, лекин уни топполмадим. Ойсулувнинг онаси Муҳаббат опа билан учрашиб, бор дардимни тўкиб солдим. Ўқитувчи экан-да, мени



тўғри тушуниб, жонимга ора кирди. Тўйимиз бўлди. Дунёда биздан бахтли одам йўқдай яшай бошладик. Икки қиз, икки ўғил кўрдик.

Биз битта мактабда инглиз тилидан дарс берардик. Оилада, ишда бир-биримизга суюнч, маслақдош бўлдик. Фарзандларимизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказдик. Улар олий маълумотли мутахассис бўлишди... Бир кам дунё экан. Ойсулув оғир хасталикка чалиниб, ўн йил бир жойда ётиб қолди. Бормаган жойимиз, кўрсатмаган дўхтиру табиимиз қолмади. Афсус...

Орадан саккиз йил ўтди. Ёлғизлик азоби ёмон экан. Фарзандларим бир-бирдан меҳрибон. Бари ўйланганимга рози. Ёшим 56 да. Маълумотим олий. Ишим тайин. Уй-жойим етарли. Ёшимга мос, қадримга етадиган, ёлғиз аёл учраса, ўйланмоқчиман.

ХУСАНБОЙ,
Қорақалпоғистон Республикаси.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46


Табиат — дорихона

АЛОЭ

Маълумки, алоэ хонаки ўсимлик бўлиб, турлари жуда кўп. Халқ табобатида алоэ баргидан ва унинг ширасидан меъда ва ўн икки бармоқ ичак яралари, сил, сурункали пневмония, кўз хасталиклари, стоматит, учук (герпес), бронхит астма, артрит ва гинекологик касалликларни даволашда фойдаланилади.

Меъда ва ўн икки бармоқ ичак ярасида алоэ барги яхшилаб ювилиб, тиканларидан тозаланиб майдалангач, ярим стакан миқдоридан масса тайёрланади. Унга бир стакан асал ёки шакар аралаштириб, 3 кун қоронғи жойда сақланади. Кейин устига яна бир стакан қизил узум виносидан куйиб, тагин бир сутка ёруғ тушмайдиган жойга қўйилади. Тайёр бўлган тиндирмадан кунига 1 ош қошиқдан 2-3 маҳал ичилади ёки алоэ шарбатидан 8-9 томчидан кунига 2-3 маҳал ичиш тавсия этилади.

Туберкулез, сурункали пневмонияда 15 г алоэ, 100 г кўй ёғи, 100 г асал, 100 г сариёғ, 100 г какао кукунни яхшилаб аралаштирилади ва бир ош қошигини бир стакан қайноқ сутга со-



либ, кун давомида 2 маҳал ичилади. Ёки 300 г алоэ баргига 250 г асал 150 г сув қуйилиб, паст оловда 1,5-2 соат давомида қайнатилди. Хона ҳароратида совигач, бир сутка музлатгичнинг пастки жойига қўйилади. Сўнг кунига бир маҳал бир ош қошиқдан истеъмол қилинади.

Катарактада алоэ шарбатига тенг миқдорда тоза асал қўйилади. Қўз ушбу аралашма билан кунига 2-3 маҳал ювилади.

Кўз толиққанда шарбатига тенг миқдорда сув қўшилиб, қовоқлар ювилади.

Стоматитда янги узилган алоэ баргини чайнаш керак ёки шарбати билан оғиз чайилади.

Учук (герпес)да 2-3 маҳал овқатдан олдин бир чой қошиқдан алоэ шарбати ичилади. Ёки учук тошган терига суртилади.

Алоэ баргидан олинган сабурдан 0,5-1 г ичилади, сурункали қабзиятда ички юриштилади. Сабур оз миқдорда 0,05-0,2 граммдан ичилса, иштаҳани очади, овқат яхши ҳазм бўлади. Сабурни бавосил касаллигида, ҳомилдорликда, ҳайз кўраётганда ичиш мумкин эмас. Терини пичоқ ёки бошқа бирор тигли нарса кесиб кетганда дарров алоэ баргининг ўртасидан узунасига кесиб лат еган жойга боғлаб қўйиш керак. Бу маълумотнинг йиринглаб кетишининг олдини олади.

МУҲАЙЁ АБДУЖАББОРОВА,
дорихуносо.

КЕМТИК КЎНГЛИМ ЁРИШИБ КЕТДИ

Ислому билан севишиб турмуш қургандик. У монтер бўлиб ишларди. Қайнота-қайнонам бамаъни инсонлар эди. Ўртаҳол ашасак-да, оиламиз тотув, топган-тутганимиз боракали, хотиржам ҳаёт кечирардик. Қайнонам билмаганимни ўргатиб, йўл-йўриқ кўрсатарди. Пиширган таомларимнинг камчилиги бўлса-да, “Кўлингиз дард кўрмасин”, деб мақтарди. Ниҳоятда бахтли эдим. Дугоналарим ҳавас билан: “Сендай эрка келин бўлиш бизга ҳам насиб этсин”, дейишарди.

Ўша куни Ислому ўртоғининг туғилган кунидан ширакайф ҳолда келганди. Кечаси ишхонасидан қақриб олишиб, фавқуллода бир фалокат юз берган экан. У бошини ювиб, шошганча йўлга тушди. Қайнонам иккимиз нима деяримизни билмай қолавердик. Тонг саҳар шумхабар келди. Ислому каттиқ жароҳат олиб, касалхонага етмай жони узилибди.

Эртаси куни хушимга келиб, касалхонада кўзимни очдим. Ҳомиладан ажралганимни эшитиб, кўз олдим қоронғилашиб кетди. Бир аҳволда отамникига қайтиб келдим. Онам бечора бахтимга бир куйса, соғлигимни ўйлаб минг куярди. Отам “Одамларга аралашсанг, дардинг енгиллайди”, деб бир ўкув марказига бошлаб борди. Дунёда яхшилар кўп экан. Марказда чеварчиликни ўрганиб, шу жойда ишга қолдим.

Гоҳида боламдан айрилганимда қайта турмуш ҳақида ўйламасдим, дега ич-этимни ердим... Ахйри яна оила қуришга қарор қилдим. Олдинига “Оила ва жамият” газетаси таҳририятига сим қоқдим. Сўнг хат ёзиб, ҳужжатларимни жўнатдим. Бир йил деганда бахтимни топдим. Хотини вафот этган, битта қизча бор, хоразмлик Олимжон исмли инсон билан танишдим. Қизим Юлдуз мени “ойи” деб қақриганидан, ётсирамаганидан кемтик кўнглим ёришиб кетди. Сизларга ташаккур.

ГУЛЖАҲОН,
Хоразм вилояти.

Уй бекаларига

Сабзавотларни пишириш учун қайнаб турган сувга солиш лозим, шунда кўп витаминлар сақланиб қолади.

Тузланган қарамдан тайёрланган салатга олма ўрнига апельсин ёки мандарин бўлақчаларини қўйиш керак.

Бўғда пиширилган картошка тўйимли бўлади.



Агар бодиринг аччиқ бўлса, арчиб, шакар қўшилган сутга солинг. Шунда аччиғи кетади.

Ёрилган помидор моғорламаслиги учун ёриқларига туз сепиб қўйинг.

ГУЛНОЗА БОБОЕВА
тайёрлади.

Уни бор уста хотинлар, ёғи бор яхши хотинлар, Ассалом!

Сепкилли сепли қизлар, сепкилсиз сепсиз қизлар, сизларга ҳам юзларига хуснубаз тошган йигитчалардан иссиқина саломлар бўлсин!

Яхшилигимизни яшир... уэр, яхшилигимизни ошириб, ёмонлигимизни яшириб келаётган мунис, меҳрибон бекажонлар, айёмлар муборак!

Мана, биз «Шодлик» маҳалласининг бир тўп бахти кулган эркаклари сопол лаганга эгилгандек бош кўшиб ўтирибмиз. Сизларга байрам муносабати билан куёв салом йўлламоқчимиз.

Гап йўқ, сиз яхшисиз! Акс ҳолда, олис сафардан уч кун олдин қайтмасдик. Болаларимизнинг нечанчи синфда ўқишини аниқ билардик. Беш юз сўмлик картошкани минг сўмга олмадик. Турп ўрнига шолғом харид қилмасдик.

Сиз фариштасиз! Йўқса, чойхона базмдан кейинги бошогригимизни ким кетказарди? Сиз! Баъзан (минг бор уэр) елкамизга ёпишган узун соч толасини ким кўриб кўрмасликка оларди? Сиз-да!

Азизалар! Халқ дейди: уйнинг серкаси бўлган маъқул, лекин эркаси бўлса, ундан ҳам яхши. Биз серка бўлсак, сиз жонга тегмас эркаси, эркатойимизсиз. Серка деган гоҳо қайсарлик қилиши мумкин, аммо эрканинг гапига хўп демаса, ҳоли хароб. Ахир, Одам ато ҳам Момо ҳавонинг гапига кирган. Йўқса, бир умр Ер юзини кўролмай ўша жаннатда қолиб кетарди.

Момо ҳавони эсладиг-у, биқинимизда ўтирган Қудратилла домла бир ривоят айтиб қолди. Эмишки, Одам ато Худонинг олдига бориб ёлборибди:

— Жаннатда бир ўзим зерикиб кет-

дим. Менга бир жуфти ҳалол яратиб бер, — дебди. Худо куёш нуридан бир ховуч олибди. Унга ойнинг маънос боқшини, оҳунинг хуркаклигини, каптарнинг юввошлигини, оққушининг гўзаллигини, момиқнинг нозиклигини, ҳавонинг энгилли-

КУЁВСАЛОМ



ни,

атиргулнинг ифорини, сувнинг тароватини кўшибди. Қоршима чучмал бўлиб қолмасин деб шамолнинг бекарорлигини, булутнинг бўлар-бўлмасга кўз ёш тўкишини, чақмоқнинг бевақт қакин чақишини ҳам кўшибди. Барини омихта қилиб, ниҳоят, Момо ҳавони яратибди.

— Мана сенга жуфти ҳалол, — дебди Оллох таоло. Бир-биринга либос бўлиб умр кечиринглр!..

Эру хотин бир-бирининг либоси деган гап ана шундан қолган эмиш. Сизлар бизнинг либосимиз бўласиз, гавҳаргинам! Либос бўлганда ҳам сира эскирмайдиган, тўзимайдиган, ҳамиша



Байрам ҳазили

тўлин ойдек ярқираб турадиган либосимизсиз!

Оёғи олти, кўли етти бекажонлар! Халқ оғзида бир матал юради. Аёл кишининг қирқ чирғоғи бор эмиш, бири ёнмаса бири ёнар экан. Тиниб-тинмагур сохибжамолларнинг қирқ бир чирғоғи ҳам барабар ёнадиган давр энди келди. Шоиримиз айтмоқчи, «Сизга бир одим Самарқанд, ҳам Бухоро бир қадам» бўлиб қолди. Биз сизларнинг тижорат борасидаги бекиёс истеъдодларингизга қойил қоламиз. Қани, хотин пошшо у ёқдан бизга не олиб келар экан, деб қозон қайнатиб, уй йиғиштириб, йўлингизга кўз тикиб ўтираемиз. Аэропортдан сандиқдай жомадонларингизни судраб чарчамаймиз. Сизга сизмаган шимни ўзимиз жон деб қиямиз. Роҳат Луҳумни маза қилиб чайнаймиз. Сизга куч-қувват ва сабр-бардош тилаб, вискидан отамиз.

Бундан ортиқ мадҳингизга яна не дейлик?

Машойхлар нақли бор: эркак уйнинг девори, аёл эса устун эмиш. Бас, биз девор бўлишга розимиз. Сиз меҳрибонлар уйни тик ушлаб тургувчи бир умрлик устун бўлиб қолаверинглр. Илоё, ош-товогингиз синмасин. Қошқовогингизга кўз тегмасин.

Олимларнинг гапига қараганда, ҳозир аёлларга нисбатан эркаклар сергапроқ бўлиб бораётганмиш. Бўлди, эзмалики бас қиламиз. Шу билан кувёсалом тамом.

«Шодлик» маҳалласининг пешонаси ярқираган эркаклари номидан.

Саъдулла СИЁЕВ

Бу ёғур оламда Ватан биттадир,
Биттадир дунёда Она деган ном.
Абдулла ОРИПОВ



СПОРТ... СПОРТ... СПОРТ...

РАШИД ОЛТИН МЕДАЛЬ БИЛАН ҚАЙТДИ

Россияда ўтказилган эркин кураш бўйича нуфузли халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Рашид Курбонов 74 килограмм вазн тоифасида олтин медални кўлга киритди.

Меъзон курашчилар билан бир қаторда Ўзбекистон, АКШ, Германия, Озарбойжон, Беларус ва қозғистонлик спортчилар етти вазн тоифасида голиблик учун куч синашди. Саралаш учрашувларида барча рақибларини енгиб, ҳал қилувчи баҳсга йўл олган ҳамюртимиз финалда россиялик Заурбек Макиев устидан зафар кучиб, олтин медални кўлга киритди.

Рашид Курбонов ўтган йили эркин кураш бўйича Осиё чемпионатида ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилган эди.


САФАРДАГИ ГАЛАБА

Маҳачқалъанинг «Анжи» жамоаси сафарда Москванинг «Динамо» клубини кичик ҳисобда мағлубиятга учратди. Ягона гол 69-дақиқада Жусулей томонидан киритилди.

Ҳамюртимиз Одил Аҳмедов майдонда 90 дақиқа ишончли ҳаракат қилди.

МАРАДОННИНГ КЕТГИСИ ЙЎҚ

Аргентиналик футбол афсонаси Диего Марадона БААнинг «Ал-Васл» клубида хали узоқ ишламоқчи эканлигини айтиб ўтган.



«Мен «Ал-Васл»нинг Арсен Венгери бўлишни истайман», — дейди Марадона.

МОУРИНЬО «ЧЕЛСИ»ГА ҚАЙТАДИМИ?

«Челси» клуби ҳужайяни Роман Абрамович «Реал» бош мурабийи Жозе Моуриньони яна Лондонга қайтармоқчи, дея хабар бермоқда АРР.

У «Челси» раҳбарияти билан ҳалихануз илиқ муносабатларини сақлаб қолган. Шунингдек, Моуриньо яқинда оиласи билан яшаш учун Лондондан уй ҳам сотиб олган эди.

Интернет материаллари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ЭНГ УЛУҒ БОЙЛИК БУ — МЕҲРДИР

ОНАЖОНИМ

Яралгансиз куёш нуридан,
Баланд тоғим, азиз, меҳрибон.
Гар йиғласам, кўз ёшим артган,
Ёнгинамда ҳазирсиз шу он.

Қайсарлигим яширасиз гоҳ,
Ўжарлигим қандай яширай?
«Болам, мен ҳам сенинг ёшингда,
Бироз шўхроқ бўлганман, нетай».

Дейсиз-у сўнг бошим силайсиз
Ва кучоқлаб яна суясиз.
Жонингизни аямай баъзан,
Бегоналар учун қуясиз.

Оналарнинг жонлари тошдан,
Деганларга минг бора қулдук.
Сунчиғим, умрим малҳами,
Сиз буюксиз, бебаҳо, улуғ.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Заминим тинч, сокин осмоним,
Яшнаб турар боғу бўстониим.
Бир ниҳолман, бағрига олган
Онам каби Ўзбекистоним.

Порлаб турган куёш сеники,
Минг асрлик бардош сеники.
Алломишлар ўстирган юртим,
Ўзбекистон энди бизники.



ЎЗБЕК

Ўғлим, қизим, набирам дея,
Ўзи учун яшамас ўзбек.
Топганини тўкиб солади,
Элим, тўйим, меҳмонимга деб.

Ғайрат билан ҳар ишда илғор,
Ҳотамтойдир, бағри кенг, буюк.
Қизиб турса қони ҳам, аммо
Юрагида сақламайди кек.

Эр-йигитлар белида белбоғ,
Бобо-буви мудом иззатда.
Андишани унутмас ўзбек,
Қиз-аёли эъзоз-ҳурматда.

Бу дунёда биттасан, халқим,
Қаддинг баланд, нуриқор тоғсан.
Эзлмасин ҳеч қачон бошинг,
Яшнаб турган ям-яшил боғсан.

Шаҳно НОРОВА,
Тошкент шаҳри.

ЭНГ УЛУҒ БОЙЛИК

Юрагим илҳом муҳаббат,
Мен сени қуйлайман тоабат.
Йироқлаб кетмагин сен фақат.
Соғинчим фаришта, ишқ ҳурдир,
Энг улуғ бойлик бу — меҳрдир.

Тонларни уйғотиб қушчалар,
Осмоғна сеп ёйди зар куёш.
Зар куёш тафтидан тобланган,
Булбуллар гуллара қариндош.
Муҳаббат фаришта, ишқ ҳурдир,
Энг улуғ бойлик бу меҳрдир.

Ялғизхон улфатим, сой дўстим,
Жонгинам жонимга бойлансин.
Дилдаги дардларим янгилаб,
Ўрнига меҳрингиз жойлансин.
Муҳаббат фаришта, ишқ ҳурдир,
Энг улуғ бойлик бу меҳрдир.

Шухрат ТОИРОВ

Ўғил-қизми, фарқи йўқ,
Худо берганларни ўп.

Эркатой эрмагимиз,
Эртанги эртагимиз.
Тилидан бол томади,
Фарзанд — бизнинг эртамиз.

ҲИКМАТ

Икки қўшни — икки давлат,
Бир-бирига эш, бадавлат.
Ҳақиқат шу билсак асли —
Бири Ҳикмат, бири Давлат.

Анвар МИРЗАЗОДА,
Зангиота тумани.

Сен маъвосан, бизга ифтихор,
Фарзандларин сийлаган диёр.
Қўлингич оч дуога, халқим,
Икки дунё кўрмайлик озор.

Умид ЧОРШАНБИЕВ,
Яккабоғ тумани.

ФАРЗАНД

Келин айтди: «Қиз бўлди»,
«Ҳола!» — қайнона қулди.
Уйимиз нурга тўлди —
Фаришта юлдуз бўлди.
Қизи борлар нозли хўб,
Қизга зорлар озми, кўп,

Муассаслар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оналарни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган кўлёмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуэр кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ
Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ
Мусахҳиллар — Саидган САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 да рўйхатга
олинган. Бюртмаги Г — 328. Формати А-3,
ҳажми 2 табоқ. Адади — 11634. Баҳоси кели-
шилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5